

## Тарих сирли хилқатларининг кўзгуси

Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Айниқса, бу борада музейларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки музейлар ўтмишдан келган тарихий маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб амалдаги қонун-қоидага мувофиқ равишда сақланади ва намоиш қилинади.



Институтимизнинг “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факултетининг Техника ва технологияларнинг техник экспертизаси ва маркетинг йўналиши 1-курс талабалари пойтахтимизда жойлашган Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрдилар. Ташриф чоғида талабалар Темурийлар тарихи билан яқиндан танишиб чиқди. Бундан ташқари музей маъмурияти томонидан ташкил қилинган махсус илова орқали талабалар ўзларини Амир Темури хазратлари билан ёнма-ёндек ҳис қилишди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**